

Давоми 2-бетда





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда юртимизда 40 мингта ана шундай оила барчага намуна бўлаётгани, ўтган йили уларнинг 208 таси “Ибратли оила” кўркрак нишони билан тақдирлангани барчамизни хурсанд қилади.

Биргина мисол. Тошлоқ туманидаги Қўзибоевлар oilаси 45 йил давомида барчага ўрнак бўлиб келмоқда. Оила бекаси Муқаддамхон опа умрининг 35 йиллини ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлаган. У киши турмуш ўртоғи билан биргаликда фермер хўжалиги ҳам ташкил этиб, тумандаги эллика яқин oilани даромадли қилган.

Яна бир жиҳатига эътибор беринглр. Бу оила 30 дан ортиқ эҳтиёжманд oilани оталикча олиб, уларнинг фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиб, таълим олиши, касб-хунар ўрганишига кўмаклашмоқда.

Маҳаллаларда баркамол авлодни вояга етказиш ва камбағалликка қарши курашишда бизга мана шундай ибратли oilлар елкадош бўлиб келаётгани ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистон тимсоли бўлган ана шундай ибратли oilаларга чин дилдан самимий ташаккурларимни билдираман.

Бундай oilалар қанча кўпайса, Ватанимиз шунча кучли, халқимиз шунча қудратли бўлади! Ибратли оила — ибратли ва адолатли жамият учун асос бўлади.

Азиз опа-сингиллар! Барчангизга яхши маълум, кейинги йилларда хотин-қизларнинг сифатли таълим олишига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Мен бир фикрни такрор ва такрор айтишдан сира ҳам чарчамайман.

Битта қизни ўқитсак, бутун oilага таълим берган бўламиз. Агар oilа билимли, маърифатли бўлса, жамиятнинг онги, маданий даражаси ҳам юксалади.

Юртимиздаги 203 та oliйгоҳ талабаларининг 52 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этаётгани мана шу эзгу гоёнинг амалий натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ўтган йилнинг ўзида магистратурада ўқиётган 15 мингга яқин хотин-қизларга 100 миллиард сўмга яқин контракт пули тўлаб берилди.

Ҳозирги вақтда 6 минг 200 дан ортиқ хотин-қизлар илмий фаолият билан

шугулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини оlima аёлларимиз яратётгани ҳам, жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Уларнинг орасида халқро даражада эътироф этилаётган илм-фан вакилларининг борлиги барчамизга чеқсиз фахр-ифтихор бағишлайди, ёшларимизни янги-янги ютуқларга ундайди.

Масалан, таниқли микробиолог олимamиз Дилфуза Ёгамбердиева шўрланган тупроқда серхосил экинлар етиштириш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари учун ЮНЕСКОнинг нуфузли Карлос Финлей халқро мукофотига сазовор бўлди.

Аёллари ўқимишли ва касб-хунарли бўлган юртда тинчлик ва тараққиёт бўлади. Аёллари маърифатли бўлган халқ албатта бахтли бўлади.

Шу боис, ҳар бир oilадаги қизларимиз боғча, мактаб билан тўлиқ қамраб олиниши, замонавий касб-хунар ва чет тилларини эгаллаши, oliй маълумотга эга бўлиши учун бундан буён ҳам барча шароитларни яратамиз. Хусусан, бу йил 250 минг нафар қизимиз oliй таълимга қамраб олинади. Бу 2017 йилга нисбатан 3,5 карра кўп. Натижада ҳар бир маҳалладан 25-30 нафар хотин-қиз oliйгоҳларда таълим олиш имконига эга бўлади.

Бунинг учун Oilа ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Маҳкамova, Мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳ.Умарова ҳар бир мактабда юқори синфда таълим olaётган қизларимиз билан ишлашни индивидуал ёндашув асосида ташкил этиб, уларни oliйгоҳларга тайёрлайди.

Бу йил шарoити oғир oilалардаги иқтидорли ёшларни хорижда ўқитиш бўйича “Ёрқин келажак” лoйиҳасини бошляпмиз. Ушбу лoйиҳа доирасида камида 200 нафар қизимиз ҳар йили дунёнинг нуфузли oliйгоҳларига ўқишга юборилади.

Oлий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ.Шарипов, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Зоҳидов, Савдо-саноат палатаси раиси Д.Ваҳобов тизими эса яна 250 минг нафар хотин-қизни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш учун масъул бўлади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Биз халқимизнинг розилигини, аввало, сизларнинг розилигингиз, деб тушунамиз.

Бу борада аёлларимизни безовта қилаётган энг катта масала, бу — ишсизлик. Шу боис, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича катта дастурларни амалга оширяпмиз. Ўтган йилнинг ўзида бу мақсадларга 17 триллион сўм кредит ажратилди. Ана шундай эътибор тўғрисида аёл тадбиркорларимиз ўтган йили 81 триллион сўмлик маҳсулот яратиб, 450 миллион долларлик экспортни амалга оширгани албатта таҳсинга сазовордир.

Масалан, Навoий шаҳрида қандoлат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркор Шаҳноза Каримова 50 нафар эҳтиёжманд хотин-қизни ўқитиб, ишга олган. Шулардан 10 нафарига уй-жой сотиб олиш учун бошланғич тўловни тўлаб берган.

Энг муҳими, бундай саховатпеша тадбиркор аёллар барча ҳудудларимизда кўплаб топилади. Улар **“Мен — бунёдкор аёлман”** деган лoйиҳани илгари суриб, маҳаллаларда минглаб аёлларни касб-хунарга ўқитиб, даромадли қилиш ташаббусини билдиргани, тўғриси, мени жуда руҳлантирди.

Мен ўзига катта ижтимоий масъулият олган мана шундай ишбилармон хотин-қизларни **“Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари”** деб биламан ва уларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман. Уларга қандай қўшимча шарoит ва енгилликлар керак бўлса, яратиб беришга тайёрман.

Шу борадаги амалий қадам сифатида Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Ушбу кенгаш жойларда аёл тадбиркорларни қийнаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тўғридан-тўғри парламент олдига масала қўйса, ўйлайманки, аини муддаo бўлади.

Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Нодира Шотурсунова бу ишларга бошқош бўлади.

Бу йил 2 миллион нафар аёллар бандлигини таъминлаш, шундан 1 миллион 300 минг нафар хотин-қизни тадбиркорликка жалб этиш бўйича катта марралар олганмиз. Бунинг учун тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қулай молиявий пакетлар тақдим этилади.

Мисол учун, “Миллий банк” (А.Мирсоатов) хизматлар соҳасида камида 200 минг

нафар хотин-қизнинг лoйиҳаларига кўмаклашади. “Туронбанк” АТБ (Ч.Мирзаев) лoмoнчиликда 150 минг нафар аёллар даромад топиши учун арзон кредитлар тақдим этади.

Худди шунингдек, “Микрокредитбанк” АТБ (О.Бўтаев) паррандачиликда — 160 минг нафар, “Саноат қурилиш банк” АТБ (А.Акбаржонов) сабзавот ва кўчатлар етиштиришда — 160 минг, “Халқ банки” (Ш.Отабoев, Г.Рашидова) ўзини ўзи банд қилган 100 минг нафар аёлнинг кичик тадбиркор бўлиши учун кўмаклашади.

Учинчи босқичда ҳар бир туманда 2 тадан кичик корхонани намунали ўрта бизнес даражасига олиб чиқишга “Хамроҳ” компанияси (Д.Нурматова) масъул бўлади.

Тўртинчи босқичда Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов) энг фаол 50 нафар аёл тадбиркорни йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошадиган “чемпион тадбиркор”га айлантиради.

Жорий йилда 60 та туманини “ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд”га айлантириш бўйича катта марра олганмиз. Бунга қўшимча равишда ҳокимлар ҳар бир вилоятнинг 2 тадан туманини ишсиз аёллар қолмайдиган ҳудудга айлантириш учун масъул бўлади.

Умуман, 2025 йил аёллар бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи йил бўлади.

Хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, ишли қилиш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобидан 2 миллион нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Бунда Марказий банк (Т.Ишметов) тижорат банклари билан 1 миллион 300 минг нафар, Касаба уюшмалари федерацияси (Қ.Рафиқов) “Аёллар дафтери”га киритилган 636 минг, Oilа ва хотин-қизлар қўмитаси (З.Маҳкамova) тадбиркорлик қилиш истигаида бўлган 100 минг нафар хотин-қизни ўқитиб, иш билан таъминлаш ва бизнесини очишга кўмаклашиш учун масъул бўлади.

Утган йили ташкил этилган “Хамроҳ” компанияси янги тизим асосида Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастурини бошлаган эди. Бу лoйиҳага ҳам 100 миллион доллар ажратганмиз.

Кредитини вақтида тўлаган аёл тадбиркорларга ушбу дастур доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит беришни бошлаймиз.

Шунингдек, маҳаллада 5 нафар аёлни бизнесга олиб кирган 1 минг нафар “устоз” тадбиркорларга 50 миллион сўмгача грант ажратилади.

Марказий банк (Т.Ишметов) тижорат банклари билан бирга икки ой мuddатда банкларда хотин-қизлар учун янгича ёндашув асосида молиявий хизматларни йўлга қўйиш учун масъул бўлади.

Масалан, туғуруқ таътилига чиққан аёллар учун банк кредитлари розилигини, аввало, мuddати 10 ойгача узайтирилади.

Энди аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 4 босқичли янги тизимни йўлга қўямиз.

Биринчи босқичда бизнесга қизиққан, лекин кўникмаси бўлмаган 20 минг нафар хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилади. Бунга Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов, Н.Шотурсунова) масъул бўлади.

Иккинчи босқичда “Халқ банки” (Ш.Отабoев, Г.Рашидова) ўзини ўзи банд қилган 100 минг нафар аёлнинг кичик тадбиркор бўлиши учун кўмаклашади.

Учинчи босқичда ҳар бир туманда 2 тадан кичик корхонани намунали ўрта бизнес даражасига олиб чиқишга “Хамроҳ” компанияси (Д.Нурматова) масъул бўлади.

Тўртинчи босқичда Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов) энг фаол 50 нафар аёл тадбиркорни йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошадиган “чемпион тадбиркор”га айлантиради.

Жорий йилда 60 та туманини “ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд”га айлантириш бўйича катта марра олганмиз. Бунга қўшимча равишда ҳокимлар ҳар бир вилоятнинг 2 тадан туманини ишсиз аёллар қолмайдиган ҳудудга айлантириш учун масъул бўлади.

Умуман, 2025 йил аёллар бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи йил бўлади.

Хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, ишли қилиш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобидан 2 миллион нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Бунда Марказий банк (Т.Ишметов) тижорат банклари билан 1 миллион 300 минг нафар, Касаба уюшмалари федерацияси (Қ.Рафиқов) “Аёллар дафтери”га киритилган 636 минг, Oilа ва хотин-қизлар қўмитаси (З.Маҳкамova) тадбиркорлик қилиш истигаида бўлган 100 минг нафар хотин-қизни ўқитиб, иш билан таъминлаш ва бизнесини очишга кўмаклашиш учун масъул бўлади.

3.Маҳкамova, Қ.Рафиқов бугун айтилган ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини вилоят, туман, маҳалла даражасида самарали ташкил этишга масъул бўлади.

Т.Норбoева маҳаллий кенгашлар билан бирга бу ишларни тизимли назоратга олиб, масъулар иштирокида уларни мунтазам муҳокама қилиб боради.

Муҳтарам опа-сингиллар!

Бугунги кунда ҳаётимиз, одамларнинг турмуш тарзи, тафаккури, дунёқарashi ва маданияти тобора юксалиб бормoқда.

Олдимизга барча соҳа ва йўналишларда гоёт улугвор мақсадларни қўймоқдамиз.

Бунга эришиш учун биз таянадиган етуқ авлодни тарбиялаб, вояга етказиш сиз, азизларнинг — фидойи оналарнинг қўлида.

Шунинг учун сиз, муҳтарам аёлларимизга улкан таҳсинлар айтиб, сизларни қўллаб-қувватлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги байрам муносабати билан меҳнат фаолияти ва жамоат ишларида катта натижаларга эришган, эл-юртимиз ўртасида ҳурмат ва эътибор топган муҳтарам аёлларимиздан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак ордeн ва медаллари билан тақдирландилар.

Шунингдек, ўзининг билими, иқтидори ва одоб билан тенгдошларига намуна бўлиб келаётган қизларимиздан 28 нафари турли соҳалардаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари барчангизга муборак бўлсин!

Сизларни ўз номимдан, бутун халқимиз номидан яна бир бор чин юракдан табриклаб, келгуси ишларингизда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинглар! Қадрли юртдошлар!

Муҳтарам опа-сингиллар!

Бугун биз мард ва олижаноб халқимизга, унинг бунёдкорлик салоҳиятига ишoниб, бошлаган улкан ислохотларимизни қатъий давом эттиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз лoзим.

Жонажон Ватанимизнинг янги юксалиш даврини барпо этишда азиз аёлларимиз доимо олдинги сафда бўладилар, деб ишонаман.

Сизларни бугунги қутлуг байрам билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Барчангизга сиаҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дунёдаги энг катта бойлик — oilавий бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

Доимо фарзандларингиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида юрши насиб этсин!

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН УЛКАН ҲИССА КЎШАЁТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИ ЮКСАК ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

Бошланиши 1-бетда

Жорий йилда ногиронлиги бўлган 162 минг нафар аёлга санаторий, шифохона ва ўзлари яшаётган маҳаллада тиббий ёрдам кўрсатилади, боқувчисини йўқотган 130 минг нафар хотин-қизга моддий ёрдам берилади, яна 6 мингнинг уй-жой шарoитлари яхшиланади, меҳнатта лаёқатли аёллар ишга жойлаштирилади.

Шунингдек, ҳар йили оғир вазиятга тушиб қолган 50 минг нафар хотин-қиз мамлакатимиздаги сўлим масканларга ўқиш ва хордиқ чиқариш учун юборилади.

Хотин-қизларнинг саломатлиги ҳар томонлама соғлом ва қудратли жамият пойдеворидир. Шу мақсадда 230 та туғуруқ муассасаси 21 мингта энг замонавий тиббий тусуналар билан жиҳозланади. Бундан ташқари, жорий йилда 1,5 миллион нафар хотин-қизда саратон касаллигини эрта аниқлаш мақсадида скрининглар ўтказилади.

Қиз боланинг ўқиши бутун oilага наф келтириши яна бир бор таъкидланади. Агар oilа билимли, маърифатли бўлса, жамиятнинг онги, маданий даражаси ҳам юксалади.

Талабаларнинг 52 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этаётгани мана шу эзгу гоёнинг амалий натижаси дейиш мумкин. Ўтган йилнинг ўзида магистратурада ўқиётган 15 мингга яқин хотин-қизларга 100 миллиард сўмга яқин контракт пули тўлаб берилди.

Ҳозирги вақтда 6 минг 200 дан ортиқ хотин-қизлар илмий фаолият билан шугулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини оlima аёллар яратётгани ҳам, жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Ҳар бир oilадаги қизлар боғча, мактаб билан тўлиқ қамраб олиниши, замонавий касб-хунар ва чет тилларини эгаллаши, oliй маълумотга эга бўлиши учун бундан буён ҳам барча шарoитлар яратилади. Хусусан, бу йил 250 минг нафар қиз oliй таълимга қамраб олинади. Бу 2017 йилга нисбатан 3,5 карра кўп. Яна 250 минг нафар аёл касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилади. “Ёрқин келажак” лoйиҳаси доирасида камида 200 нафар қиз ҳар йили дунёнинг нуфузли oliйгоҳларига ўқишга юборилади.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш масалаларига алоҳида тўхталди.

Шу борадаги амалий қадам сифатида Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Ушбу кенгаш жойларда аёл тадбиркорларни қийнаётган ҳаётий

муаммоларни ҳал қилиш бўйича тўғридан-тўғри парламент олдига масала қўйиш ваколатига эга бўлади.

Бу йил маҳаллаларда аёллар тадбиркорлиги лoйиҳалари учун қўшимча 3,3 триллион сўм ажратилади. Хусусан, oilавий тадбиркорлик дастурлари доирасида яна 100 миллион доллар берилади. Бунга қўшимча равишда тижорат банклари ҳам 100 миллион доллар жалб қилиб, маҳаллаларда ўзини ўзи банд қилган хотин-қизларга 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратади.

Қайд этилганидек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 4 босқичли янги тизим йўлга қўйилади.

Биринчи босқичда бизнесга қизиққан, лекин кўникмаси бўлмаган 20 минг нафар хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилади. Иккинчи босқичда ўзини ўзи банд қилган 100 минг нафар аёлнинг кичик тадбиркор бўлишига кўмаклашади. Учинчи босқичда “Хамроҳ” компанияси ҳар бир туманда 2 тадан кичик корхонани намунали ўрта бизнес даражасига олиб чиқишга масъул бўлади. Тўртинчи босқичда энг фаол 50 нафар аёл тадбиркор йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошадиган “чемпион тадбиркор”га айлантиради.

Умуман, бу йил касб-хунарга ўқитиш, ишли қилиш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобидан 2 миллион нафар аёлнинг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган.

— Олдимизга барча соҳа ва йўналишларда гоёт улугвор мақсадларни қўймоқдамиз. Бунга эришиш учун биз таянадиган етуқ авлодни тарбиялаб, вояга етказиш сиз, азизларнинг — фидойи оналарнинг қўлида, — деди давлат раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 3 мартдаги қарорига биноан 28 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан, 4 мартдаги фармонга мувофиқ, меҳнат фаолияти ва жамоат ишларида катта натижаларга эришган бир гуруҳ аёллар ордeн ва медаллар билан тақдирланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Маросим сўнгида Шавкат Мирзиёев халқимиз номидан аёлларни яна бир бор табриклаб, эзгу тилақлар билдирди.

— Барчангизга сиаҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дунёдаги энг катта бойлик — oilавий бахт-саодат ёр бўлишини тилайман. Доимо фарзандларингиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида юрши насиб этсин, — деди Президент.

Байрам доирасида “Ўзбекистон” анжуманлар сарoйида тантанали концерт намойиш этилди.



Ў.А. Сураатлари.



ҲАЁТ ШАМЧИРОҒИ, ЖАМИЯТ ГУЛТОЖИ, МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ

Бошланиши 1-бетда

Байрам табдирида қайд этилганидек, бугунги файзли ҳаётимизни, обод ва фаровон турмуш барпо этиш йўлидаги эзгу ниятларимиз рўёбини ҳаётимизнинг файзу фарошига бўлиши муҳтарам аёлларимиз, оқила қизларимиз oilа ва жамиятдаги фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, опа-сингилларимизнинг oilа ва жамиятдаги ролини ошириш, юртимиздаги ислохотларда фаоллигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ҳамда бандлигини ошириш, тадбиркорлик қўнимчаларини шакллантириш, гендер тенглигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириляпти.

Жумладан, хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жаҳалларида фаоллигини ошириш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, маҳаллага ва хонадонгача кириб борадиган вертикал тизим яратилди. Бу жараянда аёллар орасида ишсизликни камайтириш, хотин-қизларнинг меҳнат бозорига талаб

юқори бўлган замонавий касблар бўйича ўқитиш, oilавий тадбиркорлиқни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, опа-сингилларимизнинг саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, истеъдодли ёшлар ўз салоҳиятини намоён этиши учун барча шарoитларни яратиш доимий эътиборда.

Ўз навбатида, опа-сингиларимиз ҳам яратилаётган сира ҳам чарчамайман, — деди давлатимиз раҳбари. — Битта қизни ўқитсак, бутун oilага таълим берган бўламиз. Агар oilа билимли, маърифатли бўлса, жамиятнинг онги, маданий даражаси ҳам юксалади. Юртимиздаги 203 та oliйгоҳ талабаларининг 52 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этаётгани мана шу эзгу гоёнинг амалий натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ўтган йилнинг ўзида магистратурада ўқиётган 15 мингга яқин хотин-қизларга 100 миллиард сўмга яқин контракт пули тўлаб берилди.

— Табиийки, бу имконият ҳаётга дадил қадамлар билан кириб оратиладиган қизлар учун катта кўмак бўлмоқда, — деди Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Алимова. — Ёшларимизнинг ҳар бири бу эътибор ва ғамхўрликка жавобан мукаммал билим олиб, ўзлари танлаган соҳанинг етуқ мутахассиси

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни



ДАХЛДОРЛИК ҳисси билан яшаш ЗАВҚИ

Гавҳарой ТОЖИХОНОВА,
Марҳамат тумани “Янги ҳаёт”
МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси,
“Шуҳрат” медали соҳиб

Бу йилги баҳор қўшалоқ айём билан ҳаётимизга кириб келди. Бир ёқда Рамазон шукуҳи, иккинчи томонда кўклам нафаси кезиб юрибди. Мана шундай сурурли кунларимиз янада файзли бўлди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан давлатимиз раҳбари фармонида биноан мукофотланганим ҳақидаги қувончли хабарни эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим.

2022 йилдан буён ҳоким ёрдамчиси вазифасида ишлаб келяман. Ўтган муддатда бир ҳақиқатни англадим: мамлакатимизда



ҳар бир янги вазифа бежиз жорий этилмайди! Чўқур ўйланиб, инсон қадрини улуғлашни кўзда тутиб ҳаётга татбиқ этилади.

Маҳалла институти фаолияти самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантиришга қаратилган ислохотлар тўғрисида одамлар ҳаётига янги мазмун ва жамиятга кўтаринки руҳ кириб келди. Қисқа муддатли фаолиятим давомида ўзимга бериқтирилган “Янги ҳаёт” маҳалласидаги қарийб 5 мингга яқин кишини бирма-бир кашф қилганим, десам муболаға бўлмайди.

Тўғри, ҳоким ёрдамчиси вазифасида кўпроқ эркаклар ишлайди. Бироқ ҳар қандай ишда ҳам турмуш ўртоғи аёлни тушуниб, қўллаб турса, хотиржам ишларкан. Бундай муҳитда моддий, маънавий қийинчиликлар, меҳнат машаққати ҳам сезилмайди. Хонадонларда бирма-бир юриб, юзлаб ёшлар билан юзма-юз учрашиб, дардини тинглаб, керакли тавсиялар бериб, йўл-йўриқ кўрсата олганимда ўзимни

енгил ҳис қиламан. Одамларга фойдам тегаётганини билиш, ишониб топирилган вазифага масъулият, дахлдорлик билан яшаш завқини туяман. Бу туйғуни сўз билан ифодалаш осон эмас.

Дастлабки йили маҳалламизда 70 дан ортиқ моддий қийналган оила бор эди. Тизимда яратилган шароит ва имкониятлар тўғрисида қисқа муддатда ўшбу рақамни кескин қайта қарайди. Яқин истиқболда қолган 10-15 оилага ҳам тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш орқали камбағалликдан чиқаришга кўмаклашишни мақсад қилганимиз. Бунинг учун имкониятимиз етарли. Фақат биз, масъуллар билдирилган ишончини оқлаш учун чин дилдан ҳаракат қилсак, давлатимиз раҳбари бот-бот тақорлаётганидек, фидойи, ватансевар бўлиб фаолият юритсак, бас. Шунда дахлдорлик билан яшаш завқи бизни ҳеч қачон тарқ этмайди.

ОИЛА БАХТИ, фарзандлар камоли кафолати

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интилиш ва қобилиятини тўлақонли рўёғга чиқариш учун янада қулай шарт-шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш вазифалари белгиланган. Ўшбу мақсад доирасида давлатимизнинг гендер тенгликни таъминлаш сиёсатининг давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини 30 фоиз ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, жамиятда хотин-қизларга таъйин ва зўравонликка нисбатан муроасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, “Аёллар дафтари” билан манзилли ишланнинг шаффоф механизминини яратиш, маъмурият ишлари бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби устувор вазифалар мақсад қилинган.

Аёллар иқтисодий фаоллигини ошириш рейтингини дунё бўйича турлича, албатта. Ўртимизда эса бу борадаги натижалар ривожланган ёки ўтиш давридаги мамлакатлардаги ҳолатдан анча юқори. Сабаби Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий шарт-шароитини яхшилашга қаратилган ислохотлар ижобий натижа бермоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастуридида ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қaratилган. Жумладан, меҳнат бозоридида рақобатбардош касб-хўнарга ўқитиш орқали хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш белгиланган. Жумладан, 2025 йилда 139 минг 396 хотин-қизни касб-хўнарга ўқитиш, 220 минг 980 аёлнинг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, 134 минг 400 нафарнинг эса тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш кўзда тутилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меҳнат фаолиятининг деярли барча жабҳаларида янги иш ўринларини очиб учун юқори имкониятга эга. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, зарур бўлган қонун ва ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар қабул қилинган. Ижтимоий инфратузилмалар ташкил этилган. Иш билан бандлигини ошириш учун кичик бизнес ва тадбиркорликка хотин-қизларни йўналтиришда бутунли ислохотлар

ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Замонавий меҳнат муносабатларининг мослашувчан янги шакллари жорий этиш, жумладан, масофавий меҳнат, фриланс, аутсорсинг, аутстафтинг тизимида ҳам бизнес компонентларини қўллаш мумкин.

Кейинги йилларда бутун дунёда хотин-қизлар тадбиркорлиги кенг тус олиб, жаҳон иқтисодиётига катта ҳисса қўшмоқда. Масалан, АҚШ ва Канадада кичик бизнеснинг учдан бир қисми аёллар қўлида. Францияда тадбиркор хотин-қизлар эркак тадбиркорлардан 3 баробар кўп. Умуман, ривожланган давлатларда ишбилармон хотин-қизлар тадбиркорларнинг 50,5-75,5 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигига кенг имконият яратилган. Ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 200 мингдан ошди. Иқтисодиёт ва саноат тармоқларида аёллар улуши қарийб 50 фоизни ташкил этапти. Кичик бизнес субъектларининг 150 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4550 дан ортигини хотин-қизлар бошқармоқда.

Олий Мажлис Сенатида хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича махсус комиссия фаолият юритади. Бу комиссия ҳар бир ҳудудда давлатда ҳолат режимида ишлаб, мутолақа янгича ёндашувлар ва тизим асосида хотин-қизларни касбга ўргатиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича савий-ҳаракатларини давом эттиришти.

Комиссия аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, уларни меҳнат бозори талаб қилаётган рақобатбардош касбларга ўқитиш сифати, самарасини ошириш ва ҳудудларда маъмурият фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий механизмларини янада тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бизнингча, хотин-қизлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун уларнинг “яшил” тараққиётга эришиш бўйича ёндашувини кенгайтириш, касбий-малакавий лаёқатини ошириш, ишбилармонлигининг замонавий йўналишларига ўргатуви касбий мақсадлар фаолиятини кенг тарғиб қилиш лозим.

Шунингдек, аёлларда макро ва микро даражада “яшил” стандартларга риоя қилиш, махсуслаш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда ресурслардан тежаб-теграб фойдаланиш кўникмасини янада ошириш бутуннинг долзарб масалаларидан.

“Беш ташаббус олимпиадаси”

ҳаётим мазмуни ва
ютуқларим асоси

Наргиза ХОЛБОЕВА,
Сирдарё вилояти мактабгача
ва мактаб таълими
бошқармаси бошлиғи,
“Дўстлик” ордени соҳиб



Халқимиз, айниқса, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бора-бора изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 15 ноябрдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқитишнинг тубдан тақомиллаштириш ҳамда ўшбу фан ўқитувчиларининг касбий фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини педагоглар юқори қайғийда қабул қилди. Қарор билан мактаблардаги жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига бир қанча имкониятлар ва вазифалар белгилан берилди.

Маъмурият қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимиз мактабларида ҳафтанинг ҳар шанбаси “спорт куни” этиб белгиланди. Шу кунни ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокида спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Ўқувчиларимизни ёш бўйича 3 тоифага — 1-4-синф, 5-8-синф ва 9-11-синфга ажратиш олдик. Яъни ёш тоифасидан келиб чиқиб, ўқувчиларини спорт турлари бўйича оммавий ва ҳаракатли ўйинлар турларига бирикитириш бўйича ишлар босқичма-босқич бажарилапти. Шунингдек, мактабларда “Мактаб спорт клублари” фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Яқинда олимпиада ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада қилинаётган ишлар хусусида сўз айтиш имкониятига эга бўлдим. Хизматимиз юксак эътироф этилиб, “Дўстлик” ордени билан тақдирландим.

Бу эътироф ҳаётимдаги энг унутилмас ҳамда қувончли ҳодиса бўлди. Ўшбу рағбат, ўз навбатида, янада ғайрат ва ишонч билан интилишга ундади, шижоатимни оширди.

Ўтган йили “Беш ташаббус олимпиадаси”га мактаб ўқувчиларини қамраб олиш кўрсаткичи Сирдарё вилоятида 66 фоизни ташкил этди. Жисмоний тарбия фани ўқитувчилари билан оммавий спорт тренерининг ишини узвий йўлга қўйсак, бу кўрсаткични 100 фоизга чиқариш мумкин. Чунки ҳамма шароит, имконият мавжуд. Фақат фидойилик керак. Албатта, бу борада режаларимиз бор. Қайтадан “йўл хариталари”ни ишлаб чиқамиз. Мақсадимиз — вилоятимиздаги барча жажжи иқтисод эгаларини спорт мактабларига жалб этиш.

Ўзим чекка қишлоқдаги оддий оилада ўсганман. Отакаб — муаллимликни танлаб, аввал мактабда тарих фанидан дарс бердим. Сўнг бошқа ташкилот ва идораларда ишладим. Ўтган йилдан буён Сирдарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси раҳбариман.

Видеоселекторда оммавий спортни ривожлантириш ва бўлажақ олимпиада, паралимпия ҳамда жаҳон чемпионларини тарбиялаб, камолга етказишда мактабларнинг ўрни беқиёс экани таъкидланди ҳамда бу бўйича қатор вазифалар белгиланди. Биз — мактабгача ва мактаб таълими ходимлари ўшбу вазифаларни бажаришга катта масъулият билан ёндашялмиз. Шу билан бирга, қалбимиз фахр-ифтихорга тўла. Чунки ватанимиз номини улуғлайдиган бўлгуси чемпионларнинг йўли айна мактабгача ва мактаб таълими масканларидан бошланади. Бу борада таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва оммавий спорт турлари бўйича тренерларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйсак, бутун мактаб парчасида ўтирган болакайлarning эртага спорт мактабида тобланган профессионал спортчи сифатида етишишига пойдевор қўйган бўламиз.



“АЁЛЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ РЕЙТИНГИ ДУНЁ БЎЙИЧА ТУРЛИЧА, АЛБАТТА. ЮРТИМИЗДА ЭСА БУ БОРАДАГИ НАТИЖАЛАР РИВОЖЛАНГАН ЁКИ ЎТИШ ДАВРИДАГИ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ҲОЛАТДАН АНЧА ЮҚОРИ.

ЮКСАК мукофотнинг МАСЪУЛИЯТИ катта бўлади

Дилноза ЖАМОЛОВА,
ЎзФА Тарих институти
директори ўринбосари,
“Дўстлик” ордени соҳиб

2008 йилдан ҳозирга қадар жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, жадидларнинг сиёсий, ижтимоий, маърифий, маданий ва илмий фаолияти, хорижий алоқалари, жадидчиликда хотин-қизларнинг тутган ўрни борасида тадқиқотлар олиб бордим. Илмий изланишларим ҳозир ҳам давом этмоқда. Ўшбу ўта муҳим тарихий босқични бир ёқлама, ноҳилис ва юзаки ёритишга қаратилган ёндашувларга қарши ўлароқ, жадидчилик илмий йўналишига янгича ва ҳаққоний қарашларни олиб кирдим деб ўйлайман. Жадидчилик миллий ҳаракати тарихини бир бутун ва ўзига хосликлари билан асослаб беришга ҳаракат қилдим.

Жадидчилик ҳаракати тарихини ўрганиш бутун давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Чунки жадид боболаримиз миллий давлатчиликни қайта тиклаш йўлида жонбозлик кўрсатган. Аммо босқинчи ҳукумат уларни руҳан ва жисмонан йўқ қилишга киришди, бунинг уddасидан чиқди.

Илмий тадқиқотларим юзасидан “Бухоро амрлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири — XX аср бошлари)”, “Туркистон ва Шарқ мамлакатлари тараққиёпарварларининг ўзаро алоқалари (XIX аср охири — XX асрнинг биринчи ярми)” асарларини ёздим. “Жадидлар сўзи — миллиятнинг кўзи” ҳамда “Туркистон мухторияти миллий матбуотда” китобларини нашрга тайёрладим.

2023 йили “Туркистон ва Шарқ мамлакатлари тараққиёпарварларининг ўзаро алоқалари (XIX аср охири — XX аср биринчи ярми)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Ўшбу тадқиқотда Туркистон жадидларининг турк, татар, қрим татар, бошқирд, озарбайжон, қозоқ, афғон, форс, ҳинд тараққиёпарварлари билан таълим, фан, маданият ва сиёсий бирлик йўлидаги ҳамкорликларини тарихий манбалар асосида очиб беришга уриндим. Жадид боболаримизнинг туркий халқлар биллиги, миллатлар тотувлиги, диний бағрикенглиги йўлидаги хизматларига алоҳида тўхталдим.

Бутун туркий халқлар биллигига эришиш масаласи кун тартибига қўйилган ва барча туркий давлатлар буни қўллаган бир



пайтда илмий тадқиқотим ҳамкорликларини тарихий илдизларини билишга хизмат қилади.

Жадидларнинг туркий халқлар биллигига эришиш, диний бағрикенглик, миллатлар бирдамлиги йўлидаги хизматларини тадқиқ қилганим, жадидчилик масалаларини мунтазам ўрганиб келаятганим учун ўшбу мукофотга муносиб кўридим.

“Дўстлик” ордени илм йўлидаги кичик хизматларим учун берилган юксак мукофот. Президентимиз фармонида исм-шарифимни ўқир эканман, илм

йўлида чеккан машаққатларим бир зумда кинотасмадек кўз олдимдан ўтди. Мен илм билан шугулланаман деб аҳд қилган пайтларим бутунгидек шароит, имконият йўқ, докторант арзимаган стипендия ёвазига ҳам яшаб, ҳам диссертация ёзиши керак эди. Бундан ташқари, илмий мавзунини Мувофиқлаштирувчи кенгаш тасдиқлаб беришини 4 йил кутганман.

Бу юксак мукофот менга катта масъулият юклайди. Туркистон жадидчилиги тарихини ўрганиш бўйича илмий мактабга асос солишни мақсад қилдим. Шогирдларим билан бирга йирик лойиҳалар, тадқиқотларни амалга ошириш орқали илмий жамоатчиликка, халқимизга жадидчилик тарихига оид муҳим, янги, яхлит маълумотларни тақдим қиламиз.

Инсон борки, ўз олдида буюк мақсадлар, режалар қўяди. Айниқса, давлат мукофоти билан тақдирланса, кичик хизматлари юксак даражада эътироф этилса, янада шижоат билан меҳнат қилади, ишончини оқлашга интилади. Мен келгусида Туркистон жадидларининг ҳар бири ҳақида рисоалар, битиклар ёзиб, халқимизга тақдим этишни ният қилганман ва ҳозир ўшбу тадқиқот устиди ишлаялман. Тез фурсатларда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон, Ҳожи Муин, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон ҳақидаги рисоаларимни нашр қилдириб, кенг жамоатчиликка ҳавола этаман.

Бугунги кунда юртимизда шиддатли ривожланиш кузатилмоқда. Тараққий этиб бораётган барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун янгича йўналиш ва самарали тизимлар, замонавий бошқарув усуллари амалиётга жорий этиш, мураккаб шароитларда давлат қурилишининг серкирра вазифаларини амалга ошириш ва тезкорлик, ташаббускорлик билан ёндашишга катта эътибор қаратилмоқда.



Шерзод ШЕРМАТОВ,
рақамли технологиялар вазири

Фаолиятида ижро интизомига қатъий риоя этадиган давлат органлари белгиланган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида самарали тарзда бажара олади. Бугунги кунда давлат органларига келиб тушаётган ҳар бир ҳужжатни рўйхатга олиш ва унинг ижро муддатини белгилаш ҳамда масъулият билан ёндашишда ижро интизоми муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, ҳужжатларнинг вақтида ижро этилишини таъминлайди.

Ижро интизомини мустаҳкамлашда ҳуқуқий асослар

Бошқарув аппарати барча бўғинларининг ташкилотчилиги, ижро ва назорат фаолиятини такомиллаштириш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг Ўзбекистон Президенти ҳамда ҳукумат ҳужжатларидаги топшириқлар ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида 1999 йил 12 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Мақур қарор билан Ўзбекистон Президентининг фармонлари, қарорлари, фармоишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармоишлари ижросини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишнинг асосий қондалари белгиланган.

Шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этишнинг янги мезонлари ва мутлақо янгича таъсирчан тизимини жорий этиш мақсадида Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида вазирлигимиз тизимидаги “UNICON.UZ” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Ўзбекистон Республикаси Идоралараро ягона электрон тизими ишлаб

чиқилди. Бу тизим орқали вазирлик, идора, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ўртасида ҳужжатлар ва маълумотлар алмашиш ҳамда барча қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таҳлил қилиш ва ҳисобини юритиш имконияти юзасига келди.

Мана шу имкониятлардан келиб чиқиб, Рақамли технологиялар вазирлигида ижро интизоми “марказий аппарат — тасарруфий ташкилотлар — ҳудудий бўли-малар” шаклидаги технологик занжир асосида ташкил этилган.

2024 йилда “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали жами 27,8 мингта топшириқ рўйхатга олинди. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг фармон, қарор ва мажлис баёнларида 1066 та, Президент Администрацияси ҳужжатларида 49 та, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида 1180 та, Бош вазир раҳбарлигидаги йиғилиш баёнлари ва топшириқ (резолуция)лари, шунингдек, вазирлик ва идоралардан келиб тушган 25 мингдан ортиқ ҳужжат ижрога қаратилди.

Белгиланган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажариш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан жорий қилинган тизим асосида “Ijro.gov.uz” ягона электрон тизимида назоратга олинган ҳар бир топшириққа календарь режа ҳамда вазир ўринбосарлари кесимида “йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, топшириқлар ижроси кунбай назорат қилиб боришмоқда.

Шунингдек, “Ijro.gov.uz” ягона электрон тизимидаги топшириқлар ижроси юзасидан ҳар ҳафта душанба кунни вазир ҳузурида, ҳар ҳафтанинг жума кунни эса вазирнинг биринчи ўринбосари ҳузурида танқидий муҳокама қилиб бориш ҳамда назорат ва ижро интизоми бўлими ходимлари билан индивидуал тарзда ишлаш ва уларга кўмаклашиш тартиби йўлга қўйилган.

Бу амалий чора-тадбирлар самарасини бермоқда. 2024 йилда “Ijro.gov.uz” ягона электрон тизимида назоратга олинган жами 2295 та топшириқдан 2278 таси ёки 99 фоизининг ижросини муддатидан олдин таъминлашга эришилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йилнинг I чорагидида “Ijro.gov.uz” ягона электрон тизимида 375 та топшириқ (январь — 133 та, февраль — 141 та, март — 101 та) ҳам кунбай назоратга олинган, январь ва февраль ойларидаги топшириқлар ижроси тўлиқ таъминланди, март ойида бажарилиши белгиланган топшириқлар ижросини ўз муддатида сифатли таъминлаш бўйича темир интизом билан ишлар олиб боришмоқда.

Устувор вазифаларнинг ўз вақтида, самарали ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, ижро этувчи ҳокимият органлари тарқибий бўлиналари раҳбарлари ва мутахассисларининг иш юритиш малакаси ва касбий даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган рўйхатга мувофиқ, 2025 йилнинг январь-март ойларида иқтисодий ўқишлар ташкил этилмоқда.

Тегишли қарор билан ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз технологик занжирни ташкил қилиш бора-сида устувор йўналишлар ҳам белгиланган берилди.

Рақамлаштириш соҳасидаги асосий моливвий кўрсаткичлар

2024 йилда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизматлар ҳажми 56,1 триллион сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, тарихда биринчи марта компьютер дастурулаш хизматлари ҳажми телекоммуникация хизматлари ҳажмидан ошиб, 22,8 триллион сўмга етди (2017 йилдагига нисбатан 69 карра). 2024 йилда IT Park резидентлари 455 миллион долларлик хизматлар экспорт қилди. Бу 2018 йилги 1,7 миллион долларлик экспорт ҳажмига нисбатан 294 баробар кўп демакдир. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида товар ва хизматлар экспортининг умумий ҳажми 870 миллион доллардан ошди.



Бундан ташқари, 2024 йил охирига келиб, соҳада фаолият юритаётган компаниялар сони 10,5 мингдан ортиқчи ташкил этди, шундан мингтаси хорижий капиталга эга. Соҳада иш билан таъминланганлар сони эса 191 минг кишига етиб, шундан 100 минг нафари фрилансердир (IT соҳада ўзини ўзи банд қилиш). Шунингдек, IT Park резидентлари томонидан 12 мингта янги иш ўрни яратилди.

Рақамли саноатни ривожлантириш

Ўтган йилда IT Parkнинг рўйхатга олинган резидент корхоналари сони 2600 тага етди. Шундан 642 таси хорижий капитал иштирокидаги компаниядир, бу 2017 йилдагига нисбатан 160 баробар кўп, ўшанда бундай компаниялар сони 4 та эди.

Бугунги кунда IT Parkнинг 650 та резидентни экспортчи бўлиб, 90 га яқин давлат, жумладан, АҚШ, Европа мамлакатлари, Сингапур ва бошқаларга экспорт хизматларини кўрсатмоқда.

2024 йилда IT Park резидентларига берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2040 йилгача узайтирилди. Бундан ташқари, IT экспортини ривожлантириш мақсадида 2023-2024 йилларда АҚШ, Германия, Саудия Арабистони ва Корея Республикасида IT Park ваколатхоналари очилди.

Телекоммуникация ва рақамли инфратузилма

Ўтган йилда қўшимча 56,9 минг километр оптик толали линия ётқизилди ва умумий

узунлиги 291 минг километрга етказилди. Бу 2023 йилдагига нисбатан 113,8 фоиз ўсшини кўрсатади. База станциялари сони 29,7 минг донага оширилиб, 84 мингтага етди.

Бундан ташқари, хонадонларнинг 95,5 фоизи кенг полсалари интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий соҳа объектларининг интернет билан қамраб олинishi 100 фоизга етди. Интернет тармоғига уланган аҳоли сони улуши 83,9 фоизни ташкил этди.

2024 йил якунига кўра, интернетдан фойдаланувчилар сони 36 миллион кишидан ошди, улардан 12,1 миллион симли интернетдан фойдаланади. Ўзбекистон Марказий Осиёда 5G+ технологиясини синовдан ўтказган ва тижорат йўлида жорий этган ilk давлатлардан бири бўлди. Ўтган йил охирига келиб, интернет нархи 1 Гб учун 0,29 центни ташкил этди, яъни нарх 2017 йилдагига нис-



батан 7,1 баравар арзонлашди. Тезлик бўйича мобил интернет ўртача ҳисобида 38,97 Мбит/с, симли интернет 38,96 Мбит/сга етди.

Рақамли ҳукумат ва электрон хизматлар

Ўтган йилда давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш ва давлат хизматларини электрон кўринишга ўтказиш бўйича 200 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш ишлари якунланди. “Рақамли божхона”, “Транспорт назорати”, “Шаффоф



қурилиш”, “Рақамли молия ва солиқлар” каби тизимлар жорий этилиши ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлики йўлга қўйилиши натижасида фуқаролардан 100 дан ортиқ турдаги маълумотнома ва ҳужжат, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун талаб этиладиган 150 дан зиёд лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомили бекор қилинди.

Бугунги кунда аҳолига 700 дан ортиқ турдаги электрон давлат хизматлари (2018 йилдагига нисбатан 5 баробардан кўпроқ ўсди) тақдим этилмоқда. Улардан ўтган йили қарийб 34 миллион марта фойдаланилган, бу ўз навбатида, давлат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмининг 70 фоиздан ортигини ташкил этади.

Шу билан бирга, Ягона интерактив давлат хизматлари портали мобил версиясида 420 дан ортиқ хизмат ишга туширилди (2020 йилдагига нисбатан 26 баробар кўп, ўшанда



бундай хизматлар сони атиги 16 та эди).

Ижтимоий соҳада инклюзив хизматларнинг онлайн шакллари ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ногиронлиги бор болаларга нафақа тўлаш ва парвариш қилиш бугунги кунда автоматик равишда “проектив режимда”, яъни ҳеч қандай билдиришнома ёки қўшимча ҳужжатларни талаб қилмасдан амалга оширилмоқда.

Ўтган йилдан тижорат банкларига ўз рақамли платформалари асосида электрон давлат хизматлари кўрсатишга рухсат берилди, бу эса 28 миллиондан ортиқ фойдаланувчига банк экотизимлари доирасида қўшимча хизматлар олиш имконини беради.

Аҳоли портали ва унинг мобил иловасидан фойдаланиш орқали 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағини тежаб қолди (шундан 149,5 миллиард сўми электрон фойдаланишга чегирма бериш ва 128 миллиард сўми транспорт харажатлари ҳисобидан), 160 тоннадан зиёд қоғоз тежалди.

Шунингдек, 250 дан ортиқ давлат тизими жойлашган давлат маълумотлар маркази ишга туширилди, ушбу марказ давлат органлари харажатларини 35 фоиз тежаш имконини берди.



БМТнинг электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингига Ўзбекистон сўнгги 4 йил ичида 24 ғоғона кўтарилиб, 2024 йилда 193 давлат орасида 63-ўринни эгаллади.

Рақамли технологиялар соҳасида таълимни ривожлантириш

Хоразм вилоятида “Мухаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси тажриба тариқасида ишга туширилди. Лойиҳа доирасида 7-11-синфлар орасида сараланган 4200 нафар мактаб ўқувчиси таҳсил олмақда.

Халқаро IT сертификатлар олган талабалар сони 5600 нафардан ошди (2023 йилда бу кўрсаткич 2932 нафар эди).

2019-2022 йилларда Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати билан ҳамкорликда “Бир миллион ўзбек дас-турчилари” лойиҳасининг биринчи босқичи йўлга қўйилиб, унда 1,2 миллион ёш ўқитилди.

Мақур лойиҳанинг навбатдаги босқичида 2023 йилдан бошлаб [uzbekcoders.uz](https://www.coursera.org/uzbekcoders) сайтыда Coursera халқаро таълим платформасидаги курсларга кириш имконияти очилди. Бу босқичда 1,2 миллион ёшни ўқитиш режалаштирилган бўлиб, улардан 30 минг нафари халқаро профессионал IT сертификатига эга бўлади.

2024 йилда “Global Skills” ҳисоботида Ўзбекистон кадрлар тайёрлашга сармоя киритувчи давлатлар орасида биринчи ўринни эгаллади. “Ҳар бир маҳаллада 7 нафар дас-турчи” давлат дастури доирасида 60 минг ёш инглиз тили курсларини тамомлаб, 10 минг нафари немис ва бошқа тилларни ўрганиб, сертификатларга эга бўлди.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш йўлида

Вазирлиқнинг ҳайъат йиғилишларида марказий аппарат ва тизим ташкилотларида ижро интизоми бузилишига йўл қўйган масъуллашга нисбатан таъсирчан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳамда топшириқлар ижроси кечикиши ёки бажариламаслик хавфи мавжуд топшириқлар алоҳида муҳокама қилиниб, муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш чоралари кўришмоқда.

“Ijro.gov.uz” тизими орқали топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалдаги тизимга мувофиқ, “Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси” технологик занжир билан доимий мустаҳкам алоқа ўрнатилган, юзасига келган муаммоларни бартараф этишда масъуллашдан кераклик тавсия ва кўрсатмаларни ўз вақтида олиш тизими йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда ижро интизоми ва рақамлаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик, инвестицияларни жалб қилишда юқсак натижаларга замин яратмоқда.

Оптимизда “Инсон қадрини учун” таъминли асосидаги ислохотларни амалга оширишда ижро интизоми асосий ҳаракатлантирувчи омил эканини доим аниқлаб, куч-ғайратимизни ўзинимизга юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга сафарбар этишимиз лозим.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлаш барча даражадаги давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг энг масъулияти вазифаларидан бири бўлиши шарт.

Кун мавзуси

МЕНДАН КЕТГУНЧА, ЭГАСИГА ЕТГУНЧА

Янги тизимда бундай ишлаб бўлмайди



Садриддин бир пайтлар намунали лойиҳалар асосида қурилган уй сотиб олганди. Бу бутун оилани қувонтирганди. Чунки улар шу пайтгача кўп қаватли уйда, икки хонали квартирада ота-онаси билан яшаётганди.

Уй 12 сотих экан. Дадам томорқада шугулланади, ўғилларим товук, қўй боқади, деган ниёзда янги уйга қўчиб келган Садриддиннинг ҳафсаласи пир бўлди. Чунки уй сифатсиз қурилганди. Хоналар орасидаги деворлар жуда юпқа. Полнинг бу томонини босса, иккинчи томони кўтарилиб етгани. Қисқаси, уй “мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида тикланган.

Садриддин уйни 3-4 ойгача қабул қилмайман деб юрди. Барибир бўлмади. Қурилиш фирмаси носозликларни бартараф этмади. Уста чакиртириб, кредитта олинган уйни қайтадан таъмирлатишдан бошқа чораси қолмади. Усталар ҳам уйнинг учдан бир баҳосига таъмирлади. Олдинда эса 15 йил уйнинг кредитини тўлаш керак.

Бу муаммо фақат Садриддинда эмас, ўша пайтларда янги уй олганларнинг аксарида бўлгани рост. Чунки қурилиш назорати паст эди. Қурувчи фирма ҳам шунга яраша ишларди. Уртада оддий аҳоли жабр кўради.

Шу ўринда халқ орасида юрган бир ҳикоя эсимга тушди.

...Кўпи йиллардан буён қурилиш соҳасида ишлаб келган мутахассисга энг сўнгги қурилиш объекти топширилди. Қурилиш раҳбарлари “Шу объектни қанча тез битирсангиз, нафақага шунча тез чиқасиз”, дея топшириқ беради. Мутахассис объектни муддатидан аввал қуриб битказди. Қурилиш компанияси тантанали равишда ушбу уй қалитини унинг ўзига совға сифатида топширади. Якуни ўзингизга маълум...

Бу ҳолатларни нимага эслаяпмиз? Гап шундаки, кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган ислохотлардан бири айнан уй-жой қурилиш, сотиш ва сотиб олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Шаҳар ва туман марказларида замонавий, қулай кўп қаватли уйлاردан иборат, ўзига хос инфратузилмага эга кичик шаҳарчалар, “Янги Ўзбекистон” массивлари пайдо бўлмоқда.

Шунингдек, кам фойзлик ипотека кредитлари жорий этилиб, аҳолининг иқтисоми бозорда уй-жой сотиб олиш имконияти оширилмоқда. Энг асосийси, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мун-

тазам равишда субсидиялар ажратилиб, бирламчи эҳтиёжларини қондиришга шарт-шароит яратилляпти.

Яқинда Президентимиз раислигида ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йил учун режалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида жорий йил кўп қаватли уйлар қурилишида сон ва сифат ҳақидадан янги марралар забт этилиши қайд қилинди. Хусусан, 2025 йилда 120 минг хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, бутунлай янгича, замонавий қўрилишга, шарт-шароитга эга, “яшил” энергия таъминотига уланган 15 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этиш, эски уйларни реновация асосида янгилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Энди янги механизмлар воситасида асл қурувчиларга енгиллик қўпайиб, фирб-гарлар эса соҳани тарк этади. Қурилиш соҳасидаги муносабатлар давлатнинг тўлиқ назорати остига олинмоқда. Бу, биринчи навбатда, халқ манфаатлари, инсон ҳуқуқларига ургу берилляпти, дегани. Қурилиш соҳасини тартибга солиш, юқоридagi каби қўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида соҳада халқаро тажрибада синовдан ўтган эскроу тизими йўлга қўйилмоқда. Бунга Президентимизнинг жорий йил 27 январдаги “Уй-жой қурилиш соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бу тизимда қурувчидан уй сотиб олмақчи бўлган фуқаронинг бошланғич ва ойма-ой тўлови тижорат банкларини

даги эскроу ҳисобварақларида сақланади. Ушбу маблағлардан қурувчи ҳам, фуқаро ҳам, банк ҳам фойдалана олмайдди. Бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш кўзда тутилган. Қолаверса, уй-жойларни улуш киритиш ва ипотека кредити асосида сотиб олишининг ишончли ва самарали имкониятлари яратилмоқда.

Қурилиш ишлари эса қурувчининг ўз маблағи ёки банкдан олинган кредит эвазига амалга оширилади. Қурилиш ишлари тугатилгандан сўнг депозит ҳисобварақидagi маблағ хариддорнинг розилиги билан қурувчининг кредитини тўлаш учун ишлатилади ва қолган миқдори қурувчи ҳисобига ўтказиб берилади. Бир сўз билан айтганда, ҳаммаси хамидан қил суғургангиз оддий ва осон, энг муҳими, ишончли, шафдоф тарзда амалга оширилади.

Янги тизим соҳада ҳеч қандай яширин, қинғир иш бўлишига йўл қўймайди. Хариддорнинг барча ҳуқуқлари таъминланиши тўлиқ назорат остида бўлади. Президентимиз фармони билан йўлга қўйилётган янги тизим бўйича қурувчи ташкилотлар қурилишни бошлангандан якунига етгунча, лекин узоғи билан 12 ой давомида ер солиғи тўлашдан озод қилинади. Қурилиш ўз вақтида якунланганда ҳолда эса икки карра кўп солиқ тўлашга мажбур бўлади. Бир сўз билан айтганда, энди қурилиш соҳасига “адашиб кирганлар” ишлаши қийин. Бу ерда фақат ўз ишининг етук мутахассислари фаолият юритади. Айтишди-ку, “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деб.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



УМРИМИЗ ТОПСИН САМАР, БОҒ ЯРАТАЙЛИК

Замира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Тенгдошларимнинг кўпи болагини эслаганида онаси ёпган иссиқ кулчани ариқ сувига оқизоқ қилиб еганини сўзлайди. Андижоннинг қадим эски шаҳар қисмидаги гавжум маҳаллада яшаганимиз учунми, ҳовлимиз торгина эди. Аммо шу торгина ҳовлимизда тандир бўларди. Ховли ўртасидан ариқ оқиб ўтарди. Суви тиниқ, суви ширин ариқ...

Кўчамиздаги ҳар бир ҳовлини табарруқлаб ўтган бу ариқнинг икки четида онам раҳматли бошдан охир райхон, жамбил, ўсма ва яна турли гуллар экиб қўярди. Эсимда қолгани, онам гулу райхонларни ариқдан бир-бир ярим қарич берига экиб, қунора бизга гулларни сугоришни буюрарди. Нега яқинроққа экмайсиз, ўзи сув ичарварди, деган сўровимизга:

— Гулу райхонларнинг қуриган барги, ҳазони гул олдида борган одамнинг қалишганда лойга тегиб ариққа тушса, ёмон бўлади, — дерди.

— Қанақа ёмон бўлади? — дея эринмай сўрардим.

— Болам, сув ҳам нондек азиз неъмат. Аригимиздаги сув шифобахш ҳовуздан келади. Уни ифлослан-тириш яхши бўладими? Албатта, ёмон бўлади-да. — Қанақа шифобахш ҳовуз? — Биздан бир маҳалла нарида катта ҳовуз бор. Ўша атрофдаги хонадонлардан оқиб чиққан сув ҳовузга қуйилади, ҳовузда бақа кўп. Доноларнинг айтишича, бақаларнинг қўзидан тўкиладиган йод деган модда суви шифобахш сувга айлантираркан. Шунинг учун бу суви ичган аҳоли буюқ касалига учрамайди ҳисоб. Ҳар икки-уч маҳаллада битта ҳовуз бўлиши сабаби шундан, болам. Сув ҳовузда ҳам тинади, ҳам йодланади, кейин бизга оқади. Сизлар кулча оқизиб еяпсиз-ку, унга шох-шаба, чиқинди ташласак, биздан кейинги ҳовлидагилар хафа бўлади, қизим. Уларнинг боласи ҳам кулча оқизиб ейди, шу сувдан ичади, ош-овқатига ишлатади ахир.

Онам айтганидек, тандирдан узилган, қўлни қуй-диргудек иссиқ кулчани ўртқоқларим билан ариқда оқизоқ қилиб ейишни жуда яхши кўрардим. Онда етти фарзанд бўлганмиз. Онам ҳар уч кунда бир марта нон ёпарди. Бизга атаб кулча ясаш сира эсидан чиқмасди. Синглим, яна иккита ўртоғим билан кимнинг кулчаси тез оқади деб қийириб югурардик. Бугун менинг онам ёпса, эртаси кун Тўрғуноининг онаси, кейинги кун Зумрад дугуноанининг онаси нон ёпарди. Маза қилиб иссиқ кулчани шифобахш сувда ивйтиб ердик.

Йиллар ўтиб улғайдик. Олтинқўл туманининг Офтобачек қишлоғига келин бўлиб тушдим. Маҳалламиздан катта ариқ ўтарди. Ҳар бир хонадон дарво-заси олдида кўприк бор. Айтишларича, бу ердагилар ҳам болагини кулча оқизоқ билан яйраган. Аммо ҳозир ундай эмас. Сувда гоҳ чиқинди, гоҳ тарвуз-қовун пўчоғи, гоҳ мол-ҳолдан ортган нишхўрд, гоҳ ачиган ош-овқат сарқити оқаётганини кўриб қоламан. Ариқдаги сув ичиш туғул, болаларнинг қўмилишига ҳам ярамайди. Кейинги икки-уч йилдан бери ота-оналар болалари учун турли ўлчамдаги сунъий бассейнлар сотиб олишга мажбур бўлаётгани шундан.

Қайнонам раҳматли янги келин бўлган йилларим “Бу омадди маҳалла, ариғи бор. Томорқани қийна-май сугорамиз”, дерди. Тўғри, томорқани сугорамиз, аммо мол-ҳолнинг нишхўрдидан “баҳраманд” сув экинзорни бир ҳафтада бегона ўтга бостириб юборади. Қолаверса, қишлоқлардаги артезиан қуд-қуқларнинг мотори гоҳ-гоҳ бузилиб қолса, уч-тўрт кун сувсиз қоламиз. Шундай пайтда тонгда туриб, икки пакир сув олиб, тиндириб ичишга ҳам кўнгли бўлмайди.

Ичимлик сувга зор мамлакатлар йўқ эмас, биз эса борини асрай олмасак, онам айтганидек, “ёмон бўлади”. Ўйласам, “ёмон бўлади”нинг маъноси чуқур экан. Ахир ҳаммамиз ҳам катталарнинг “Ҳой, нонни увол

қилма, ёмон бўлади. Қушларга қўзмадан тош отиб озор берма, ёмон бўлади. Дарахт шохини синдирма, ёмон бўлади. Сувга чиқинди ташлама, ёмон бўлади”, деган панду насихатларни эшитиб улғайганмиз.

Бугун неъматга ношукрлик — табиатга шафқат-сизлик эканини эса унутиб қўйганга ўхшаймиз. Шу сув бор — экинимиз ривож топади, боғимиз мева беради, чанқогимиз қонади, ёзининг иссиғида бола-ларимиз чўмилиб, маза қилади. Демак, биз яшаб турган она табиятнинг суви, дарахти, ҳавоси бир-бирига уйғун. Атроф-муҳит мусофқолиғи, боғлар тўқинлиги, манзарали дарахтларнинг серсоялиги, гўзаллиги, ичар сувимизнинг тозаллиги ўзимиз учун-ку. Касалликларнинг кўпайиши, болаларимизнинг ҳаммаси ҳам полвон бўлолмаётгани сабаби ўша “ёмон бўлади” етиб келгани эмасми?!

2025 йилнинг Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб номланиши айни муддао бўл-ди. Табиат ўзимизники, уни ўзимиз асраб, ўзимиз яхшиламасак, келажагимиз биз кутгандек бўлмай-ди. Дарахтларнинг тоза кислород чиқариб, заҳарли карбонат ангидридни ютишни 5-синф боламиз ҳам муаллимидан эшитган. Болаларимиз таълим олаёт-ган мактабларда ҳам 2025 йилнинг мазмун-моҳияти



ўргатила бошлангани бўлди. Буни 4- ва 6-, 8-синф-ларда ўқитган уч набирамнинг мендан табиятни асраш ҳақида шеръ сўраб, саволлар бера бошлаган-нидан билдим. Буви бўлиб ёрдамга киришдим, ал-батта.

Андижоннинг Улугнор туманида Қодиржон Қўзиев деган отахонни биламан. Ўзи “Бобуршоҳ” фермер хўжалиғи раҳбари. “Набирамга насихатлар” деган тамойил кашф қилиб, Улугнорнинг ҳамма мактабда учрашувлар ўтказибди. Ўқувчиларга ва-тан, тупроқ, боғлар, дарахтзорлар, яшил далалар ва уларга муносабат ҳақида сўзлаб беради. Ҳар йили фермер хўжалиғи маблаг ҳисобидан учта-тўртта мактабга 50 тупдан, баъзан ундан ҳам кўпроқ кўчат олиб, нуроний дўстлари билан ўқувчилар иштиро-кида кўчат экади. Ҳар гал 50-100 нусхада чиқарил-ган “Набирамга насихатлар” буклетини болаларга тарқатади-да, унда ўзи ёзган қимматли ибораларни астойдил шарҳлайди. Кейин кўчат экишда иштирок этган тенгдошлари билан мактабларга бориб, да-рахтлардан хабар олади. Экан мевали дарахтлари аллақачон ҳосилга кирган. Ўша мактаблар жамоаси ҳар йили ҳосил пишганда отага меvasидан келтириб хурсанд қилади.



Қодиржон ота бу йилмизнинг Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб номланган-ни шарафига ҳар йилдан кўпроқ кўчат тайёрлаб, ташиқлотлар, мактаблар, болалар боғчаларига совға қилмоқчи. Имон топиб, яна нуроний жўралари би-лан кўчат экиш тадбирларини ўтказмоқчи.

Элимизда “Бирлашган — ўзар” деган нақл бор. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишга киришсак, давлатимиз раҳбари ташаббуси би-лан бошланган хайрли ишларни, албатта, амал-га ошира оламиз. Бир-биримизга ибрат бўлсак, ёшларимизга нега “онажоним табият”, дейи-шимизни мазмунан кенгроқ тушунтирсак, ҳаёт нафасини ҳада қилувчи — кислород берадиган дарахтлар учун онгли боғбондек меҳрлироқ бў-лишимизни уқтирсак, ўзимиз ишбоши бўлсак, натижага эришамиз.

“**Биз яшаб турган она табиятнинг суви, дарахти, ҳавоси бир-бирига уйғун. Атроф-муҳит мусофқолиғи, боғлар тўқинлиги, манзарали дарахтларнинг серсоялиги, гўзаллиги, ичар сувимизнинг тозаллиги ўзимиз учун-ку. Касалликларнинг кўпайиши, болаларимизнинг ҳаммаси ҳам полвон бўлолмаётгани сабаби ўша “ёмон бўлади” етиб келгани эмасми?!**

Ахир “яшил макон” деган ибора бизга нотаниш эмас. Ҳар йили дарахт экамиз, бу ҳақда катта-кат-та саноқ сонлари билан ҳисоботлар тайёрлаймиз, аммо кўчат экиш мавсуми ўтиши билан ўзимиздан ортмай, “иккичи ўқувчи”дай муносабатда бўла-миз. Эжжанимиз ростми? Рост бўлса, нега кўкар-маяпти? Нега қуриб қолса, хижолат чекмаяпмиз, ахир маблаг сарфладик, кун бағишладик, нега сафарбарлик туғаш билан меҳримизни йиғишти-риб оляимиз деб ўйламасак, унда онам айтгандай “ёмон бўлади”.

Йўқ, “ёмон бўлиши”га йўл қўймаймиз. Ахир тупроғимизга чўп сўқиб қўйсангиз кўкаради, барг ёзади. Йил номланишидаги ташаббусни етти ёшдан етмиш ёшгача қўллаб-қувватласак, баҳорда экиб, ёзу кузда парварини тўхтатмасак, боғ яратиб ҳам юртни яшнатсак, ҳам ризқимизни кўпайтирсак, ҳар бир шаҳар, қишлоғимиз яшаш учун олий макон бў-лади, яхши бўлади!

Тўзмасин дунё десак гар, боғ яратайлик,
Умримиз топсин самар, боғ яратайлик.
Яхшилик ишқиде бўлган кўнгулларимиз,
Яшасин олам, биродар, боғ яратайлик.

Қаҳрдин пайдо гуноҳ, меҳрдандур савоб,
Меҳримиз осмон баробар, боғ яратайлик.
Ким заминни яшанатибдир, унга андин,
Яхшилик минг қарра қайтар, боғ яратайлик.

Гулласа боғлар — чирой, болдай меваси,
Ризку рўз элга муқаррар, боғ яратайлик.
Бу олам қирланмағай ҳеч, ҳавосин,
Тозартирар шому саҳар, боғ яратайлик.

Юксалиш палласи

БОБОМ БОШЛАБ БЕРГАН ЙЎЛ ТАҚДИРИМДА ЭНГ ГЎЗАЛ КУНЛАРГА АЙЛАНДИ

Афрўза ҲАМДАМОВА,
Самарқанд шахридаги 42-мактаб ўқувчиси,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

Ўзбекистон — иқтидорли ва истеъдодлилар юрти. Хар бир соҳада ноёб иқтидори, ўзига хос истеъдодини намоиш эта оладиган, юртимиз номини дунёга ёйдиган ёшлар бисёр. Жумладан, ақллилар ўйини — шахматда ҳам. Эҳтимол, бунинг сабаби шахматнинг қадим замонларданок юртимизда ривож топганидир?! Мамлакатимиз ҳудудидан топилган қадимги шахмат доналари азалидан юртимизда мазкур спорт турининг мавжуд бўлгани ва одамларнинг шахмат ўйнаб келганини исботлайди.



Орадан кечган даврлар шахматга эътиборни сақлаб қола олди. Энди шахмат бутун дунёда ҳам интеллектуал, ҳам спорт ўйини сифатида қадрлан-моқда. Юртимизда ёш иқтидорлар сафини янада кенгайтириш, шахматни оммалаштириш, ўзбек шахматининг ёрқин келажагини таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялашга аҳамият қарати-лмоқда. Бу борада шахматга, ёш шахматчиларга давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборини эъти-роф этиш лозим.

Янги Ўзбекистон ҳар бир соҳада янги қадамлар — янги марралар даври сифатида тарихга муҳрланаёт-тир. Шахмат бўйича қўлга қиритилаётган ютуқлар салмоқли. Бу биз, шахматчиларга яратиб берилаёт-ган шароит ва имкониятлар қўлами кенгаётгани, бу-нинг ортидан маҳоратимиз йилдан йилга ортиб бо-раётганидан дарак. Шу билан бирга, шахматни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва уни оммавий спорт турига айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал ва маданий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, юқори иқтидорга эга ёш-ларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессио-нал шахматчилар ва халқаро гротсмейстерлар сифа-тида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, мурабийлар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш борасидаги ислохотлар самараси ҳамдир.

Ҳали тўрт ёшга тўлмай, шахмат тахтаси ва дона-лари билан танишдим. Дадамнинг таъбирича, шахмат доналари семимли ўйинчоқларим бўлган. Ҳамдамқул бобом моҳир шахматчи бўлгани боис, дадам ва амаки-ларим ҳам бобомнинг изидан борди. Улар турли мусо-бақа ва турнирларда иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой эгаллаган.

11 ёшимда Ўзбекистон аёллари ўртасида 1-лига ғолиби бўлиб, “Ўзбекистон спорт устаси” унвони-ни қўлга киритдим. Шунингдек, Ўзбекистон олий лигасида энг ёш иштирокчи сифатида тарихга кир-дим. 13 ёшимда Жаҳон шахмат олимпиадасида

Ўзбекистоннинг энг ёш иштирокчиси сифатида қат-нашдим. Шу йили “Келажак бунёдкори” медалига лойиқ қўрилдим. Президентимиз қўлидан бу нуфуз-ли мукофотни қабул қилиб олар эканман. Ўз олдимга катта-катта мақсадлар қўйгандим ўшанда.

Иштирок этган ҳар бир ўйин ва мусобақа менга катта тажриба мактаби бўлди. Бугунга қадар қўллаб нуфузли мусобақаларда ғолиб бўлдим. Ватанимиз ша-рафини муносиб ҳимоя қилишга интиляпман.

2023 йил Италиянинг Монтесильвано шахрида ўтказилган 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида жаҳон чемпионатида виза муаммолари туфайли мусобақа-га бир кун кечикиб бордик. 1-турга қатнаша олмаган бўлсам-да, қолган турларнинг барчасида ғолиб чиқиб, муддатидан аввал чемпионлиқни қўлга киритдим. Ўт-ган йили Нью-Йорк шахрида ўтказилган шахматнинг тезкор тури — рапид бўйича юқори ўринларга муно-сиб чиқиб, жаҳоннинг энг кучли аёллари ўртасида фахрли йигирматалиқдан жой олдим.

“**Ўтган йили Бразилияда ўтказилган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 10 та ғалаба ва битта дуранг қайд этиб, муддатидан олдин ғолиб бўлдим. Бу халқаро майдондаги иккинчи чемпионлик унвоним ҳисобланади.**

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида давлатимизнинг нуфузли мукофотларидан бири — Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдир-ландим. Бу кунлар бир пайтлар бобом бошлаб берган йўлнинг тақдиримдаги энг гўзал лаҳзалари бўлди. Ол-динда режаларим, мақсадларим бисёр. Она халқим, ва-таним шарафини муносиб ҳимоя қилиб, билдирилган ишонччи оқлашга ваъда бераман.

Орамиздаги одамлар ОБОДЛИКНИ КЎНГЛИГА ЖОЙЛАГАН АЁЛ

Президентимизнинг “8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармони мувофиқ, юртимиздаги туб ислохотларда фаол қатнашиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ватандошларимиз мукофотланди.

Жумладан, Термиз туманида яшовчи Ойгул Шо-муродова “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. У бир неча йилдан буён туман ободонлаштириш бош-қармасида гул етиштирувчи вазифасида фаолият юрити келади.

Ойгул опа ҳар кунни турфа фаслда қуёш уфқдан бош кўтармай туриб, кўпчилик ширин уйқуда ма-ҳалли туман маркази кўчаларини тозалаш, боғларни ободонлаштириш, яшил ҳудудларни парваришлаш каби масъулиятли вазифаларни бажаришга кири-шади. Бир қарашда у сингари юртдошларимизнинг меҳнатига кўп ҳам эътибор беравермаймиз. Асли-да, уларнинг иши юрт ободлиги, юртдошларимиз-нинг бунёдкорлик кайфияти учун ҳам муҳим ва қадрли.

Термиз тумани ободонлаштириш бошқармасида 200 дан ортиқ ходим ишлайди. Уларнинг 112 нафари аёллар.

— Ободонлаштириш бўйича ишлаётганимга бу йил 12 йилдан ошди. Гул етиштирувчи бўлиб ишлай-ман. Касбдошларим орасида ишининг устаси, яшил-ликни севадиган, табиат қўйнида ишлашни яхши кў-рувчи ўнлаб, юзлаб аёллар бор, — дейди “Дўстлик” ордени соҳибаси Ойгул Шомуродова. — Бу мукофот бир менга эмас, ободонлаштириш бошқармаларида ишловчи барча ҳамкасбларимга қаратилган юксак эътибор намунаси деб биламан. Тўғриси, эшитиб йиғлаб юбордим. Чунки кутмагандим.



Эгаллаган касби ортидан ҳалол умр кечириш ҳам-да эътироф этилишдан ортиқ бахт йўқ. Касбга садо-қат билан ёндашиш, меҳр бериш инсонни эл ичида қадр топтиради.

— Асосан, Термиз туманидаги халқаро аэропорт ат-рофида ишлаймиз. Бу жойнинг ўзига хос қийинчилиги бор. Кўпчилик бу ерда ишлашга унамайди. Сабаби Тер-мизга келган меҳмон аэропортдан чиқиб, шу ердаги ободонлаштиришга — бизнинг ишимизга баҳо беради. Бу соҳада ишлаш учун озодаликни севиш, табиатга ошно, меҳнатсевар ва ватанпарвар бўлиш керак. Шун-да ҳудудни кўркам қўринишда сақлаш, соғлом ва тоза муҳит яратишга ҳисса қўша оласиз, — дейди Ойгул опа. — Қишин-ёзин турфа хил, ранг-баранг гулларнинг йўл ёқасида очилиб туриши кишиларни хурсанд қила-ди. Ўзим ҳам ишимизни меҳмонлар, сайёҳлар кузатиб, кўзи қувнаётганини кўриб севинаям.

Ойгул Шомуродова бугун эл эъзозиди. Ҳа, меҳнат қилган, касбини севаган элда азизлиги бор гап. У ҳам инсон қадри юксалиб бораётган бир юртда фидокоро-на меҳнатининг самарасини кўрмоқда.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Дунё олақут кабидир...

Суҳбатдош

Шарқда қадимдан аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келинган. Йигитларга болалигиданоқ опа-сингиси, оиласини ҳимоя қилиш эр кишининг бурчи дея ўқтирилган. Шу боис, аёлларнинг шайни эркаклар учун ор саналган. Бу ҳақиқат асрлар давомида дostonларимизда, эртагу нақлларимизда ўз ифодасини топиб келган. Бироқ давр шиддати, ахборот оқими кўпайиши натижасида болаларга эртақ айтиб бериш ҳам тобора унутилаётганини кўриб-билиб турибмиз.



Хўш, ўзбек халқ оғзаки ижоди — дoston, эртақ ва ривоятларимизда аёлларга ҳурмат қандай тасвирланган? Уларнинг жамиятдаги, тарбия жараёнидаги ўрни қандай бўлиши керак? Шу каби саволлар юзасидан таниқли фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Шомирза ТУРДИМОВ билан суҳбатлашдик.

— Аслида, дунё фольклори сюжетини олсак ҳам, ўзбек фольклори сюжетини олсак ҳам аёл ва эркак образи марказда туради. Бу-сиз асар асар эмас дея ҳисобланган. Бу муҳаббат нуктаи назаридан деймизми ёки бошқами, барибир бош мақсад шу иккиси атрофига қурилади.



Қувасойдан таралаётган ВАТАН ОВОЗИ

Куй, қўшиқ кўнгил мулки, дил малҳамига қиёсланади. Маромига етказиб ижро этилган қўшиқ тингловчи қалбидан жой олади, меҳрини қозонади. Дунёда қўшиқ куйламайдиган одам йўқ. Хар ким қайсидир маънода хиргойи қилади, эшиттади. Лекин қўшиқчи сифатида элда обрў-эътибор қозониш учун санъаткордан билим ва албатта, маҳорат талаб этилади. Қўшиқ яратиш учун танланган шеър ижрочи оҳанги, маҳоратига мос бўлсагина, элга манзур санъат асарлари яратилади.

Қувасой шахри маданият бўлими тасарруфидagi 14-маданият маркази “Юлдузлар” хонандалик тўғараги раҳбари Лайлохон Сай-назарова бу борада кўпга ибрат бўлиб келаётган иқтидорли ёшлардан. Болалигидан санъатга ошурга бўлиб улғайган қизалар бу йўлда ўқиб-ўрганди, изланди, устозлар панд-насихатларига амал қилди.

Бу йилги кўклам, яшариш, яшнатиш фасли, ёш иқтидор эгаси учун хайрли амаллар, эътирофлар билан бошланди. Ўзбекистон Президентини қарорига мувофиқ, ёш истеъдод эгаси Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди.

Юксак эътироф сўлим Қувасой шахрида умргузаронлик қилаётган кексаё ёш қалбига фахр-ифтихор туйғуларини олиб кирди. Қувонмай бўладими ахир! Ўзбекининг “катта ашуласини” дунёга олиб чиқиб, ЮНЕСКО лауреати бўлган Солижон ота Ҳошимов ҳам

Қувасойда яшаб ижод қилган. Ёш хонанда ана шу мумтоз қўшиқчилик мактаби давомчилари қаторида самарали ижод қилиб келмоқда.

Ёш хонанда ҳаёт тарзи, санъат, куй-қўшиқ сеҳрига бегона эмас. У санъаткорлар оиласида туғилди, мумтоз ашула, мусиқа, соз сеҳрига монанд улғайди, камолга етди. Дастлаб Қувасой шахридаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабиди, кейин Фаргона шахридаги ихтисослаштирилган санъат мактабиди назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлади, таҳсил олди. 2024 йили Юнус Ражабий номидаги Ўзбекистон миллий мусиқа ва санъат институтининг аъъанавий хонандалик йўналишини имтиёзли тамомлади. Бу изланишлар уни катта сахна, ижод сари етказди.

Миллий ва жаҳон мумтоз санъати дурдоналарини маҳорат билан ижро этган Лайлохон 2021 йили “Водий овози” танловининг

Яна бир ривоятга кўра, Соҳибқирон Кичик Осиё томонга юришларидан бирида бошқарув жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолади. Шундай вазиятда атрофиди маслаҳат сўрайдиган одам топа олмайдди. Маслаҳатлашиш учун бу сафар ҳам Самарқандга чопар жўнатди.

Чопар етиб бориб, Бибиҳонимга вазиятни тушунтиради. Бироқ малика унга жавоб қайтармайди. Шунчаки чопарни ўзи билан боқ-

анъаналарида ҳам кўпроқ ҳаётни тажрибаларга таяниш устунлик қилади.

Одамлар орасида бир ривоят юради. Унга кўра, бир чол ўсмир ўғлини кўча бўйлаб турткилаб ўтаётганмиш. Одамлар ҳайрон бўлибди. “Нега урасиз кал-катта йигитни, нима айб иш қилди?” деб сўрашса, “Бу нуқул айтганимни қилади”, дермиш. Одамлар “Айтганингизни қилса, нимаси ёмон?” деб баттар ажабланибди. Йўлда бир қиз чиқиб



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



қа олиб чиқибди. Унга боғдаги даракхларни кўрсатибди, уларни мактабди, аммо айримлари қуриб қолганга ўхшайди, янгилашимиз керак, дея чопарнинг ёнида богбонга кўрсатма берибди. Чопар Соҳибқирон ҳузурига қайтиб келгач, бобомиз Бибиҳоним нима деб жавоб бергани билан қизиқибди, бироқ чопар малика ҳеч қандай жавоб бермагани, шунчаки боққа чиқиб, даракхларни мактагани, бироқ қуриган даракхларни алмаштириш бўйича богбонга кўрсатма берганини маълум қилибди. Шундан кейин Соҳибқирон қўшиндаги тадбири эскириб қолган барча лашкарбошиқларни алмаштирган экан.

— Тарбия жараёнида аёлларнинг ўрни қандай бўлиши керак? Бу борада халқ оғзаки ижодида қандай ибрат олиш мумкин?

— Эътибор берсак, эртақларимизда, нақлу афсоналаримизда “доно қизлар” деган тушунча бор. Бунинг пайдо бўлиши негизда фарзанд тарбияси масаласи туради. Бир гўзал мақолни мисол келтираман: “Тулпор — биядан, алп — онадан”. Жуда муҳим ҳикмат. Сабаби ушбу ибора халқимизнинг генетик тажрибасини ифодалайди. Халқимиз оиланинг таяничи бўладиган фарзанд тарбияси онага боглиқ эканини асрлар давомида ривоятлар, нақл ва эртақларда ўқитиб келган.

Билим фақат китобдан ўқиб олинадиган бойлик эмас, уни ҳаёт тажрибаларидан ҳам ўзлаштириб ола билиш керак. Эътибор берсак, халқимизнинг тарбия борасидаги

қолибди. Қиз ҳам худди шу саволни берибди. Чол ўша жавобни қайтарибди. Шунда қиз “Ундай бўлса, токи ўзидан билиб қилмагунча янада қаттиқ терган”, деб маслаҳат солибди. Чол кўнглидаги жавобни эшитиб, охир-оқибат ўғлини ўша қизга уйлантирибди. Чунки у шундай қизгина келажақда фарзандларни баркамол қилиб тарбиялай олишини олдиндан билган экан.

Халқимизнинг тарбия борасида ёзилмаган бир қондаси бор. Унга кўра, тарбия жараёнида тарбияланувчи зада бўлиб қолмаслиги керак. У жуда юмшоқ ва сезилмайдиган усуллар билан сингдирилиши лозим. Ҳақиқий ўзбекона тарбия асосида айнан шу тушунча ётади. Шунингдек, бу вазифани фақат аёллар, яъни оналар уддалай олишига ишонилган. Бироқ буни тарбия жараёнида эркакнинг ўрни камроқ экан деб тушунамаслик керак.

Тарбияда эркакнинг ўрни ниҳоятда катта. Халқимиз тафаккурида унинг образи шундай яратилганки, фарзандлар учун азалдан ҳайбатли кўринган. Оналар фарзандлари бирор айб иш қилса, “Отанга айтаман, уришади”, деб эмас, “Отанг бу айбонгни эшитса, сендан хафа бўлади, кўнгли ранжийди”, деб “қўрқитган”. Бу оқила аёллар учун ҳозир ҳусусий бўлган. Чунки оналаримиз “Уравсанг уни қотадди, сўкаверсанг бети қотадди” деган макол мазмунига қатъий амал қилган. Дўк-пўписа эмас, ибратли тарзда етказилган бир сўзининг қиймати олтинга тенг. Шуларнинг ҳаммаси ўз ўрнида ишлатилса, олам гулистон.



Лайлохоннинг ўзига хос ижро услуби, овоз сеҳри бор. У Фаргона мактабидининг ўлмас дурдона қўшиқларини маромига етказиб ижро этиш билан бирга бу йўналишда ўз услуби, мактабин яратиш йўлида изланишлар қилмоқда.

— Ўқувчимиз эришган ютуқларидан ҳаммиса қувонамиз, — дейди Қувасой шахридаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувачиси Ғанижон Саъидионов. — Машгулотларга келган илк кунлариданоқ тиришқоқлиги, изланувчанлиги, берилган вазифаларни ўз вақтида бажара олиш қобилияти билан болалардан ажралай турарди. Сўз ва сўз уйғунлигини нозик тушунади, овозида ўзига хос нола бор. У

“Халқимизнинг тарбия борасида ёзилмаган бир қондаси бор. Унга кўра, тарбия жараёнида тарбияланувчи зада бўлиб қолмаслиги керак. У жуда юмшоқ ва сезилмайдиган усуллар билан сингдирилиши лозим. Ҳақиқий ўзбекона тарбия асосида айнан шу тушунча ётади. Шунингдек, бу вазифани фақат аёллар, яъни оналар уддалай олишига ишонилган.”

— Навоий бобомизнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonида 10 олина, жумладан, мантқиқ илмида тенгсиз Дилоса, астроном Гуландом, файласуф Суманбўй, ҳикмат фани билимдонни Паризод образлари бор. Айтишларича, уларнинг прототиби Навоийга замонадош момоларимиз экан. Лекин негадир илм-фан ҳақида гап кетганда “Бизда илгари аёллардан олимлар чиқмаган, улар фан билан шуғулланмаган”, деган гапларни эшитамиз. Бу “Аёл киши уйда ўтириши керак”, деган қарашлар таъсирини ёки тарғибот еттишмаслигини?

— Бу гапларда жон бордир, эҳтимол. Лекин ҳаётда шундай аёлларни, оналарни учратганман, улар мардлик, тиришқоқликда аксарият эркакларга ўрناк бўлишга аризгулик, десак адашмаган бўламиз. Уларни кўриб туриб, дostonларимиздаги, эртақларимиздаги алп аёллар мана шулар бўлса керак деган таассурот пайдо бўлган. Тўғри, улар олийгоҳларни тамомламаган, юқори марраларни эгалламаган, лекин оқилалиги, доно маслаҳатли билан жамиятда баланд мартаба-ларга эришган.

Сиз айтётган Навоий асарларидаги каби оқила, илмли аёллар бир қарашда тарихимизда йўқдек туюлади, лекин улар илгари ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Балки бунга сабаб ўтмишда тарғибот-ташвиқот етарлича бўлмагандир.

— Жамиятда аёл ва эркакнинг ўрни қандай бўлиши ҳақида мунозаралар кўпайди. Буни кимдир меъёрий ҳолат деса, кимдир меъёрларнинг бузилиши дея баҳоламоқда...

— Эркак билан аёлнинг табиати ҳар қил. Нақлга асосланса, эркак тупроқдан, аёл эса эркакнинг қовурағисидан яратилган экан. Мана шунинг ўзи ҳам уларнинг табиати бир-бирига ўхшамаслигини исботлайди. Шундан келиб чиқсак, жамиятда ҳам, оилада ҳам аёлнинг ўз ўрни бор, эркакники эса айрича. Ай-тидо шундай эди. Ибтидонин ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Биргина мисол. Ҳозир сунъий интеллект оммалашгани сари кўпчилик хавотирга туша бошлади. Энди китобнинг қадри янада йўқолади, ҳаётимизни сунъий интеллект эгаллаб олади деган қўрқувлар пайдо бўлди. Лекин тафаккурнинг ибтидоси китоб эди ва шундай бўлиб қолади. Эсласак, радио чиққанда ҳам, телеви-зор кириб келганда ҳам одамлар худди шундай қўрқува турганлар. Ваҳоланки, китоб ҳозир ҳам китоб. Ён-атрофимизга разм солсак, одам-лар аста-секин улардан безиб, кўпроқ китобга қайтмоқда. Жамиятда аёл ва эркакни азалий

ўрни ҳам худди шундай. Ундан воз кечиб ҳам, ўзгартириб ҳам бўлмайди. Янгидан янги гоилар чиқарсин, исталган одам исталган гапини га-пираверсин, лекин ибтидо билан боглиқ ҳақи-қатлар аслича сақланиб қолаверарди.

— Бугун қиз фарзанднинг тарбияси қандай бўлиши керак? Халқимиз бадий меросида бу ҳақда анъаналар мавжудми?

— Мен ҳаммиса анъанавий тарбия тараф-дори бўлиб келганман. Яхши биласиз: Ғарб ва Шарқ тушунчаси бор. Бу иккиси — азалий икки қутб. Буни улар бир-бирига душман деб тушуниш тўғри эмас.

Бизда “олақут” деган атама бор. Бу сўзни осонгина тушунтиришга ҳаракат қиламан. Момоларимиз ўтмишда болаларга тумор ясаб бериб, унинг ипини оқ ва қора шардоз-дан эшган. Мана шундай оқ билан қоранинг эшилгани “олақут” дейилади. Дунё ҳам мада-ният, дунёқараш жиҳатидан ана шу олақутни эслатади, яъни Шарқ ва Ғарб. Бу иккиси қадимдан ўрин алмашиб келади. Бир гал Шарқ устун бўлса, бир гал Ғарб устунлик қилади. Бу худди тарози палласидек гап. Тарбия жараёнига келсак, бугун Шарқда ҳам Ғарб тар-бияси мезон сифатида олинаётгани ҳақиқат. Жараёндан минтақамиз ҳам четда қолаётгани йўқ. Бу ўз-ўзидан жуда кўп меъёрлар бузи-лишига олиб келади. Ана шундай вазиятда ота-оналар қиз фарзанд тарбиясига ниҳоятда жиддий қарашли экан. Бойси, Ғарбнинг ус-тунлиги вақтинча, тарози палласи яна Шарқ-қа ўттиши шубҳасиз. Бу эса ўзигини сақ-лаб қолганлар голиб бўлади.

Халқимизнинг анъанавий тарбия усуллар-и асрлар давомида шаклланган тажрибалар маҳсули. Хўш, бу қандай усул? Унга кўра, фарзанд туғилиб, беш ёшга тўлгунча уни подшо — “бола подшо” деб билган. “Бола-нинг кўнгли подшо” деган иборат ҳамма-миз эшитганмиз. Асосий тарбия жараёни эса 5 ёшдан 14 ёшгача давом этган. Болага ота-она қаттиққўллик билан муомалада бўлган. Ўн тўрт ёшдан кейин эса фарзанд билан дў-стона муносабат қилиш ўқтирилган. Сабаби 14 ёшга тўлган йигит-қиз ақлини анча тани-ш олган, ён-атрофин баҳоли қудрат тушуниш-га улгулган бўлади. Энди унга дўк-пўписа қилиш зарарга ишласа ишлайдики, фойдаси кам бўлади. Бизнинг анъанавий тарбия мана шу. Айни тарбия усулини замонга мослаш-тириб сингдирга олсакки, йигит-қизлари-миз ёт таъсирлардан ҳимояланиб воёга ета-ди. Бу жараёнда аёлнинг ўрни муҳим.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Жоникбек АЛИЖОНОВ
суҳбатлашди.

Қувасой шахри маданият бўлими та-сарруфидagi 14-маданият маркази тўга-рак раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келаётган Лайлохон дурдона санъатимиз қадр ва эъзоз топиб, ривожланишида баҳо-ли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Бу йўна-лишда янги овоз соҳибларини кашф этиш-га ҳаракат қилапти, қўлаб-қувватляпти.

— Катта ашула, мақом қўшиқларини ўрганиш йўлидаги изланишларимда ус-тозларим сабоқлари ҳаммиса далда бўлиб келади, — дейди хонанда. — Ҳар бир қўшиқни маромига етказиб ижро этиш, репертуарини бойитиб боришмда улар-нинг хизматлари, панд-насихатлари ҳисса-си бекис. Қолаверса, юртимизда ёшларга яратиб берилган шароит ва имкониятлар, тинчлик, хотиржамлик республика, хал-қаро танловларда имкониятларимизни на-моён этишда қўл келмоқда. Қўшиқ қуйлаш бир қараганда осон бўлиб кўриниши мум-кин. Аммо у орак амри, қалб ҳароратига монанд бўлсагина, тингловчи кўнглидан жой олади, меҳр-муҳаббатини қозонади. Бу йўлда ҳали ўрганишим керак бўлган кўп жиҳатлар бор.

Қувасой қир-адирликлари бўйлаб эсган баҳор насимлари овоз ва обод юрда яшаёт-ган ёшлар қалбига нафосат туйғуларини олиб келди. Бу улғуворлик, кўтаринчилик, ҳамжи-ҳатлиқни дилдан ҳис қилган хонанда ижод ва изланишда давом этияпти.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган таъшилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
3746 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет услулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 00:30 Топширилди — 00:35